



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 15-avgust, payshanba № 96 (3289)

# Shonch

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОЙШИ

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ИШЧИ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро тажриба, талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат олий таълим муассасаларининг илмий-педагогик фаолияти рейтинг баҳосини ҳолисона аниқлаш принциплари, ёндашувлари ва мезонларини синов тарзида апробация қилиш мақсадида:

1. Бунинг учун иловага мувофиқ таркибда Ишчи комиссияси тuzилсин.  
2. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев) икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги 371-сонли қарори билан белгиланган олий таълим муассасалари тузилмаси рейтинг баҳолари тизими балларининг кўрсаткичлари ва даражасини, уларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мослиги, олий ўқув юртлири илмий ҳамда педагогик фаолияти даражаси ва сифатини ошириш, иқтисодий-тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида вазифаларини танқидий қайта кўриб чиқсин.

Бунда олий ўқув юртлири илмий-педагогик фаолиятининг қуйидаги энг муҳим мезонларига алоҳида эътиборни қаратиб, юқори баллар белгилансин:

чет эллардаги олий ўқув юртлири билан қиёсалганда ўқитиш савияси ва сифати, профессор-ўқитувчи кадрларнинг малака даражаси, уларнинг ўқитишни халқаро талаблар даражасида таъминлайдиган замонавий педагогик технологиялари эгалланлиги, мамлакатимиз олий ўқув юртлири ўқитувчиларининг чет эл олий ўқув юртлирида маърузалар ўқишдаги иштироки;

олий ўқув юртлирини битириб чиққанларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашув даражаси ва олий ўқув юртлирининг кадрлар тайёрланаётган корхоналар билан ишлашни ташкил этиш сифати;

олий ўқув юртлирида ўтказилаётган илмий-тех-

шириш ишларининг самарадорлиги, энг аввало экспериментал-лаборатория базасининг ҳолати, уларнинг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиш даражаси, корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюрolari базасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш.

3. Ишчи комиссияси (Б.Ю.Ходиев):  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан биргаликда 2013 йилнинг 1 ноябрга қадар мuddатда юқори босқич талабаларининг махсус соҳа фанлари бўйича биллими даражасини ва олий ўқув юртлири мутахассислар тайёрлаш сифатини баҳолаш учун дарсларни ўзлаштириш савиясини аниқлаш мақсадида танлаб олиб тест синовларидан ўтказсин;

эксперт гуруҳлари иштирокида 2013 йилнинг 1 декабрга қадар мuddатда эксперимент тарихида 2-бандда баён этилган принцип ва мезонлар асосида олий таълим муассасаларининг рейтингини баҳоласин;

ўтказилган ишларнинг натижалари бўйича 2014 йилнинг 1 январига қадар мuddатда олий ўқув юртлири рейтингини баҳолаш тизими ва методикасини, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга якуний ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига тақдим этсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И.Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ж.Ф.Исмоилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 14 август

## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 14 август куни Оқсаройда «Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси президенти, «Боинг» корпорацияси вице-президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташириги билан кутлар экан, «Боинг» компанияси замонавий йўловчи самолётлари етказиб бериш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистоннинг ишончли ва узоқ мuddатли ҳамкори эканини таъкидлади.

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Боинг» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, 15 самолётдан

фойдаланмоқда. Авиаташувларнинг яримдан кўпи, жумладан, АКШ ва Япония каби узоқ мамлакатларга парвозлар ушбу замонавий ҳаво кемаларида амалга оширилмоқда. 2016 йилда яна икки «Боинг 787-800 Дримлайнер» самолёти етказиб бериш режалаштирилган.

Миллий авиакомпаниямиз учун учувчилар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг ўқув-машгулот

марказини машқ ускуналари билан жиҳозлаш, Тошкент шаҳрида «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси негизда самолётлар конструкциясининг йирик композит қисмларини таъмирлаш минтақавий марказини ташкил этиш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Рэймонд Коннер самими қабул, очик фикр алмашув ҳамда «Боинг» компанияси фаолиятига берилган юксак баҳо учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

Ў.А

## Кўрик-танлов

# «Санъатим сенга, обод юртим»



Аввал хабар берганимиздек, 13-14 август кунлари пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан меҳнаткашлар ўртасида «Санъатим сенга, обод юртим!» бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича кўрик-танловнинг Республика босқичи бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда касба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида маданий-маърифий

тадбирлар ўтказиш орқали бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ҳар 2 йилда ўтказилаётган бадий ҳаваскорлик ижодиёти бўйича «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-танлови шундай тадбирлардан би-

ридир. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиорини асосий ғоя сифатида ўзда муҳажасам этган мазкур танлов 4 босқичда ташкил этилди.

(Давоми 4-саҳифада).

## Публицистика

Инсоният ҳаёти курашлар ва улардан англашладиган сабоқлардан иборат.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари адоғи — тўқсонинчи йилларнинг бошларида дунёда, мамлакатимизда, ён-атрофларимизда, ҳар биримизнинг кўз ўнгимизда кечган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сиёсий курашлар тўқнашуви, мустақил тузумнинг парчаланиши, қизил мафкура тамойилларининг таназули мағзи пуч, ғайриинсоний ҳар қандай ғоянинг умри қисқа эканини яна бир бор намойиш этди. Халқимиз ўз мустақиллигини кўлга киритди, миллий ривожланиш ва тараққиёт йўлини аниқ-равшан белгилаб олди. Аммо бир лаҳза бўлсин, хотиржамликка берилиш, бирор соҳани эътиборсиз қолдириш, кўзланган манзилдан чекинши асло мумкин эмасди. Катта авлод он-шуурига мустаҳкам синган бу ҳақиқатдан бугунги ва келажак авлодлар яхши хабардор бўлишлари жуда ҳам зарур.

# Олисларни кўзлаган карвон

Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асарини мутлоа қилар эканмиз, истиқлолимиз арафасида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг жонли тафсилотлари кўз ўнгимиздан яна бир бор ўтади, халқимиз кейинги икки ўн йилликда мисли кўрилмаган тараққиёт йўлини босиб ўтганига, бу йилларнинг ҳар бири, ҳар дақиқаси муттасил кураш ва интилишлар, изланиш ва ғалабалар билан тўлалигига ишонч ҳосил қиламиз. Айни чоғда, бугунги тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаётимизнинг асраб-авайлаш, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, дунёнинг тараққий толган мамлакатлари сафидан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳар бири қиши ёши, касб-коридан қатъи назар, фидоилорна меҳнат қилиши, бойликларига бойлик

қўшиши, борини асраб-авайлаб, йўғини яратиши зарур эканини дилдан ҳис этамиз. Мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганда собиқ иттифоқ марказидан билдирилган бепасанд баёнотлар, «миллий республикалар ҳеч қандай боролмайди, эрта-индин ҳузуримизга яна бош эгиб келишди», деган башоратлар пуч бўлиб чиқди. Бошқаларни қўя турайлик, дунёқароши аввалги мафкура таъсирида шакланган айрим маҳаллий раҳбарлар ҳам ҳар эҳтимолга қарши оёқни узангидан олмай, фирқа билетини ташламай кутиб туришди. Ташқи иқтисодий босим, мафкурaviй зуғум, албатта хавфли, аммо ички иккиланганининг хавфи ундан кам эмас, чунки у халқнинг руҳига, ишончи ва шижоатига салбий таъсир кўрсатади.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

## Мақтаб бозори

Навоий шаҳрида янги ўқув йили олдида бозор ва турли савдо мажмуаларида мақтаб бозори ва ярмаркалари иш бошлади.

## Қулай, арзон ва сифатли

Ўқувчилар ва ота-оналарга қулайлик яратиш мақсадида ташкил этилаётган бундай ярмаркаларда ўттизга яқин турдаги зарур ўқув воситалари хари-дорларга тақдим этилмоқда.

— Икки нафар фарзандим янги ўқув йилига муносиб тайёргарлик кўриши учун «Гўлзор» савдо марказига харидга чиқдик, — дейди Зилола Адизова. — Савдо расталарини айланб кўрдик, ўқувчи учун зарур бўлган барча буюмлар мавжуд. Маҳсулотлар сифати ва нархи ҳам бизга маъқул. Эътиборлиси, савдо нуқталари терминал, назорат-касса аппарати ва бошқа зарур воситалар билан тўлиқ таъминланган.

(Ў.А)

## Касаба уюшмалари — мустақиллик йилларида

— Юртбошимиз Хоразм вилоятини юксалтиришга қаратилган учта улкан дастурни имзолади. Бунинг учун катта миқдорда сармоа ажратилиши, саннат салохиятини юксалтириш, Урганч шаҳри инфратузилмасини тубдан яхшилаш, янги-дан-янги замонавий иморатлар барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, туризмни ривожлантириш борасида бошлаб

маслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, юрт ободлигига ҳисса қўшишни ҳар биримиз қалб амримизга айлантиришимиз фарз ва қарзидир.

...

Йигирма икки йил аввалги Хоразм билан бугунги ўртасида осмон билан ерча фарқ бор, дейишмоқда эл оқсоқол-лари. Аслида ҳам шундай. Президентимиз қарори асосида вилоятда 253 та лойиҳа амалга оширилиб, шаҳар ва туманларда, чекка қишлоқ ва маҳалла гузарларида янгидан саннат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар, хусусий, фирмалар, цехлар ишга тушди. Натияжада, 2015 йилга бориб 2,1

марта ошади. Вилоятда энгил саннатни, тўқимачилик, чарм ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 144,5 млн. долларлик 69 та лойиҳа амалга оширилди ва 3,5 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди. «Ўзбекчармпойабзали» компанияси томонидан 1,4 млн. доллар инвестиция киритилиши туфайли 9 та лойиҳада пойабзал ва галантерия маҳсу-

лотлари ишлаб чиқарилади ҳамда 330 та иш ўрни очилади. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 120 млн. долларлик маблағ ажратилиб, 2270 та янги иш ўрни барпо этилади.

Албатта, бу касаба уюшмаларига ҳам янгидан-янги вазифалар юкмаюк-

да. Фаолиятини бошлаган корхона ва ташкилотларда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ташкил қилиш орқали меҳнаткашлар манфаатини ҳар томонлама ҳимоялашга ҳаракат қилинмоқда. Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида аъзолар ва уларнинг оилалари моддий ва маънавий қўмақдан баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, вилоят ҳокимлиги билан Савдо-саннат палатаси билан тuzилган минтақавий келишув, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳо-

фаза қилиш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Меҳр нури» жамғармаси вилоят вакили, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми»нинг вилоят ижтимоий қўллаб-қувватлаш ахборот маркази билан ҳамкорликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида илиқ фикрларни айтиш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада).

## ЖИЗЗАХ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олди-дан ушбу шиор остида ўтказилган тадбирга Жиззах вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳомийлик қилди.

## «ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН!»

29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига байрам дастурхони ёзилиб, уларга совға-саломлар улашилди, маданий-маърифий кеча уюштирилди. Юздан зиёд ижтимоий ҳимоя-талаб оилалар, тақдир тақозоси билан тўшқанда ётиб қолганлар ҳолидан хабар олинди, уларга совға-саломлар топширилди.

— Шундай улғ кунларга етказганига Яратганга шукур, — дейди Жиззах шаҳрининг «Кулама» маҳалласида истиқомат қилувчи 103 ёшли Хайри момо дуога қўл очаркан. — Юртимизда тотувлик абадий бўлсин.

Абдуманноп АЗИМОВ,  
«Ishonch» мухбири

## НАВОИЙ

Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифокорлари ташаббуси билан байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича бирлашма ва унга қарашли 4 та оилавий поликлиникада махсус комиссиялар тuzилди ва вазифалари белгилаб олинди.

## БАЙРАМОНА КАЙФИЯТДА

— Миллий қадрият ва мустақиллигимизга бағишлаб «Кимёгар», «Ишонч», «Чинор» маҳаллаларида аҳоли билан учрашувлар ўтказилди, — дейди 3-сонли оилавий поликлиника бош шифокори Ш.Асадов. — «Обод турмуш — мустаҳкам оила пойдевори» мавзусида телекўрсатув тайёрланди. Поликлиника-мизда таъмир ишлари олиб бори-лмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга янада қулайлик яратиш мақсадида бирлашма тизимидаги барча тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасини янги тиббий жиҳоз ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан бойитишга эришилди. Бу, ўз навбатида, тиббиёт ходимларининг руҳияти кўтарилиши ва ишга янада масъулият билан ёндашуви-га кенг имконият яратди.

Жамолиддин АХТАМОВ

## БУХОРО

Бухоро вилоятининг жанубий туманларидан бири Олутда қурилиш объектлари сонини тобора кўпаяптир.

## МАРКАЗ ТОБОРА КЎРКАМЛАШМОҚДА

Масалан, 150 ўқувчига мўлжалланган мусиқа ва санъат мактаби қурилишида юқори сифат ҳамда самарадорлик яққол кўзга ташланади. Тадбиркор Зарифа Чўлиева бошчилигидаги «Маржона» ирригация ва қурилиш хусусий корхонаси бунёдкорлари умумий лойиҳа қиймати 2,4 миллиард сўм бўлган икки қаватли бинони Мустақиллик байрамига ҳамда фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда.

Шунингдек, марказда тадбиркорлар маблағ эвазига бунёд этилаётган спорт майдони ва теннис корти қурилиши ҳам яқин кунларда ниҳонсига етказилади.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

Жараён

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларимизни ўз касбининг устаси этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади...

Кичик бизнес ёшлар келажаги

Худудимизда 47 та касб-хунар коллежи мавжуд. Уларни битирган ёшлар орасидан тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагини билдирганларга микрокредит олиш, бизнес режасини тузишда амалий ёрдам ҳамда тушунтириш ишлари бериб борилади...

Мансур МАНСУРОВ, Навоий вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

Таҳлил

Самарқанд вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг IX мажлисида «ЎЗКУФК томонидан белгиланган устувор йўналишлар асосида ҳамкорлар билан муносабатларни шакллантириш, ижтимоий химоя ва меҳнат муносабатлари самарадорлигига эришиш» мавзусида кенгаш раиси Фарҳод Хидиров маърузаси тингланди...

Ишда ечим бўлсин

Қайд этилганидек, Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг мамлакатимизда қабул қилинаётган қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги фаол иштироки, фаолиятни такомиллаштириш сари ташланган муҳим қадамлар фуқаролик жамияти барпо этишдек улуғ мақсадларга йўналтирилган бўлиб, меҳнатқашлар ва улар оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий химоясини кучайтиришни кўзлаб амалга оширилган ишлохотлар амалий натижасини бера бошлади...

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан 1731 та кам таъминланган оиллага моддий ёрдам кўрсатилиб, 125 ёш оиллага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган мебеллар, рўзгор чихозлари, уй-жой куриш учун имтиёзли ссудалар ажратилди...

«Касба уюшмалари — болаларга», «Хотира абадий — жасрат мангу» тадбирларидан кўнгиллар маънаси тоғди.

Ходимлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш, хонадонларга оммавий спортнинг кириб боришига эришиш йўлида режали тадбирлар ўтказиб келинаётир. «Спорт — саломатлик гарови» шiori остида ўтказилган мусобақаларда меҳнатқашларнинг 20 минг нафарга яқин вакили иштироки таъминланди...


Маънавий камолотда санъатнинг ўрни бекиёс. Истиклолимизнинг 22 йиллик байрамига бағишлаб ЎЗКУФК томонидан ташкил этилган «Санъатим сенга, обод юртим» кўрик-танловиди 10 минг нафарга яқин меҳнатқашлар вакиллари қатнашди...

«Устувор вазифалар ижросини таъминлаш, уни амалиётга татиқ этиш борасида баъзи куйи ташкилотларда сустранишга йўл қўйилаётганидан кўч юмиб бўлмайдими, — дейилди маърузада. — Жойлардаги камчилик шундан иборатки, иш берувчилар билан келишилган ҳолда имзоланган меъёрий ҳужжатлар ижроси устидан куйи касабаси уюшмаларининг назорати сусайтириб юборилган...

Оддий мисол, Самарқанд 3-сон туруқхонасининг собиқ ходими М.Мухаммадиевага 19 йил мобайнида меҳнат таътили берилмаган. Самарқанд шаҳар ободонлаштириш бўлими ходимаси Х.Нарзиқуллова 3 йил, вилоят ўсимликларни химоя қилиш маркази ходими Р.Рофиева 2 йил давомида маъмурият айби билан меҳнат таътилидан фойдаланмаган...

Вилоят кенгаши мажлисида фаолиятда йўл қўйилаётган шу каби камчиликларга барҳам бериш, ҳамкорликда ишга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикрлашиб олинди.

Нурилла ШАМСЕВ, «Ishonch» мухбири



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ижтимоий химоя йўналиши, авваламбор, ходимларнинг иш ҳақи вақтида тўланишига жиддий эътибор қаратилади. Қолаверса, янги иш ўринларининг ҳақиқатдан ҳам яратилгани буйича мониторинглар олиб борилмоқда...

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида жамоа келишуви ва шартномалари орқали 3028 нафардан зиёд кам таъминланган оилалар вакиллариغا 185788,8 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 289 нафар оналарга 30369,7 минг сўмлик моддий ёрдам берилди...

Меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодисаларни яшириш ҳолатларини аниқлаш ва бунга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан чоралар қўриш масқадига барча шаҳар ва туман таъбиёт бирлашмаларининг жароҳатланиш бўлимларидаги «Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларни қайд қилиш» дафтарлари ўрганиб чиқилди...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Мана шундай мураккаб вазиятда Президент Ёшлар Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда миллий тараққиётнинг янги ўзбекона модели ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари собиқ тузумдан қолган пароканда иқтисоднинг ташвишли ҳолатини, мураккаб ижтимоий вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилар экан, «Биз бундан буюн эскича яшай олмаймиз ва бундан йўл қўймайди, бошқаларнинг миннатли ёрдамига эмас, фақат ўзимизга, ўз кучимизга, халқимизнинг салоҳияти ва иродасига таяниб иш қўрамиз, ҳеч ким четдан келиб бизнинг муаммоларимизни ҳал қилиб бермайди»...

Айтиш зарурки, бу — ўша йиллар шароити билан баҳоланганда, жуда оғир вазифалар эди. Ўзбекистон танлаган йўл «гул билан қопланган йўл эмас, бу йўл тоталитаризм меросидан ҳалос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўли» эди.


«Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асариди халқимизнинг бу улуғ нёъматга эришиш йўлидаги узоқ йиллик курашлари, собиқ тузум шароитида кенган ҳаётимиз, эл-юрт бошига келган сон-саноксиз азоб-уқубатлар, маънавий ва жисмоний йўқотишлар, қатъон сийсатининг муҳтиср оқибатлари, сохта айбловлар, таҳқир ва хўрликлар факт ва далиллар асосида тасвирланган берилган. Давлатимиз раҳбарининг жасоратли қарор ва Фармонлари, ўта мураккаб вазиятларда ягона тўри ечимлари топа олиш маҳорати, шунингдек, узоқни кўзловчи халқчил сийсати миллат тақдирини тарихий аҳамият касб этгани кўнгилда ифтихор туйғуларини уйғотди...

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» асариди халқимизнинг бу улуғ нёъматга эришиш йўлидаги узоқ йиллик курашлари, собиқ тузум шароитида кенган ҳаётимиз, эл-юрт бошига келган сон-саноксиз азоб-уқубатлар, маънавий ва жисмоний йўқотишлар, қатъон сийсатининг муҳтиср оқибатлари, сохта айбловлар, таҳқир ва хўрликлар факт ва далиллар асосида тасвирланган берилган...

ди. Йилнинг биринчи ярмида 12 та халқ хўжалиги объектларини фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш буйича 2

Биз ҳам бир ёндан

та комиссия ишида иштирок этилди. Бу каби чора-тадбирлардан қўзланган мақсад фуқароларнинг хавф-хатардан ҳоли шароитларда меҳнат қилиш ва меҳнати муносиб рағбатлантирилишини таъминлашдан иборат.



— Ижтимоий сугурта бўлими томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида ижтимоий сугурта маблағларидан, йўлланмалардан самарали ва мақсадли фойдаланиш масалалари мунтазам назорат остига олинди, — дейди Бирлашма бўлими бошлиғи Озод Исмоилов. — Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсатининг қарори билан 2013 йилнинг биринчи ярим йили учун тасдиқланган йўлланмалар касабаси уюшмалари туман кенгашларига ва бошланғич ташкилотларга ўз вақтида етказилди.

Умуман, йилнинг биринчи ярмида ходимларни соғломлаштиришга 207 млн. 954 минг сўм, яъни олинган даромаднинг 39,7 фоизи сарфланди. Ижтимоий сугурта бюджети маблағлари ҳисобидан 379 нафар ходим санаторийларда соғломлаштирилди. Уларнинг 16 нафарига бепул йўлланмалар ажратилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури юзасидан 2013 йил Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ижтимоий сугурта бюджет кўрсаткичларида белгиланган тадбирларни бажариш мақсадида 49082 минг сўм маблағ йўналтирилди. Ижтимоий сугурта маблағи ҳисобидан болалар ва ўсмирлар спорт мактаби учун 5 млн. 652 минг сўм сарфланди.

Жорий йилнинг ором ойида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 6116 нафар бола, шундан 2288 нафари касабаси уюшмалари маблағи ҳисобига дам олдирилди. Ота-оналар бадали тўловининг асосий қисми шаҳар, туманлар қошида очилган болалар жамғармалари ҳамда хўжалик ташкилотлар ҳисобига қопланишига эришилди ва ўқувчи-ёшларнинг 75-80 фоизига йўлланмалар бепул ажратилди.

Инсон учун саломатлигидан ортиқ бойлик йўқ. Аъзолар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасида олиб борилаётган тадбирлар туфайли меҳнатқашларнинг касабаси уюшмаларига ишончи ва ҳурмати ортмоқда.

Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари томонидан Мустақиллигимизнинг йигирма еки йиллигини муносиб кутиб олиш


ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларининг манзилли дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб бориляпти. Касб-хунар коллежлари, тиббиёт бирлашмалари, «Урганчтрансгаз» ШК, «Жанубгазқурилиш» ОАЖ, «Хоразмшакар» МЧЖ ва бир қатор корхона, ташкилот, фермер хўжаликлариди таниқли шоир ва ёзувчилар иштирокида мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар тўғрисида давра сўхбатлари уюштирилмоқда. Меҳнат жамоаларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари акс эттирилган филмлар намойиши ва фотокургазмалар ташкил этилмоқда. Мустақилликини мустақамлаш йўлида аъзоларни янада жипслаштириш мақсадида «Энг намунали бошланғич ташкилот», «Санъатим сенга, обод юртим» каби кўрик-танловлар ташкил қилинди. Меҳнатқашлар, талаба ва ўқувчилар, олис қишлоқларда яшовчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар вакиллари мамлакатимизда мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотлар ва маданият масканларига, юртимизнинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойларига саёхатлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Табиийки, ушбу чора-тадбирлар элдошларимизнинг шу ҳуррамлигига, энг улуғ, энг азиз байрамни муносиб кутиб олишига хизмат қилмоқда. Зеро, жондан олизи Ватанини ҳар қанча шарофласак, озодлик айёмини улғуворлик ила тантана қилсак арзийди.

— Дарҳақиқат, Истиклол ўз кадр-қимматимизни англашга имконияти яратиб берди. Бугун Ўзбекистон халқи тенглар ичра тенг бўлиб, барча жабҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари билан дунё ҳамжамиятини лол қолдирмоқда, — дейди Бирлашма кенгаши раиси Беқчанбой Матякубов. — Мустақил юрт фарзанди эканлигимиз бизни ҳар доим болаларга муносиб авлод бўлишига, ўз олдимиизга улкан мақсадлар қўйиб, улар ижроси йўлида дадил одимлашга ундайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз кадр-қиммати, ор-номуси ва ғурурини англайди, истиклол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилдир.

Мухаббат Тўрабоева, «Ishonch» мухбири



ёрддам баҳонасида олдимизга шарт қўйиб, қўймоқчи бўлди, моддий бойликларимизга қизиқди — буларнинг ҳаммаси эндиликда босиб ўтилган йўл, ўзига хос тарих бўлиб қолди, аммо бизнинг энг катта ютуғимиз шуки, бугунга келиб, Ўзбекистон дунёнинг бир маромади, икчил ривожланаётган, иқтисоди йилдан-йилга бақувватлашиб бораётган, халқининг турмуш тарзи, харид қуввати ошишда давом этаётган давлатларидан

қалар ўрнатиб, манфаатли ҳамкорлик қилмоқдамиз. Тадбиркорлар, ишбилармонлар дунё кезиб юришибди, қўшма корхоналар, завод ва фабрикалар гурилиб ишламоқда. Иқтисодий йигит-қизлар дунёнинг номдор ўқув юртларида тахсил олишга ўтказаятган, оиласи билан дам олаётган, сайру саёхат қилаётган ватандошларимизнинг сафи кун сайин кенгаймоқда.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда мулкдорлар синфи шаклланди, тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати юзага келди. Бу борадаги чеклов ва таққури олиб ташлантириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, таълим-тарбияни уйғунлигига эришиш, шу билан бирга, энди-энди тетапола бўлаётган мустақилликини сақлаб қолиш борасида ёрддамга муҳтож эдик. Бугун бу соҳаларда эришилган ва эришаётган ютуқларимиз дунё мамлакатлари, давлат ва жамоат арбобларини қизиқтириб турибди. «Ўзбекистон феномени», «Ўзбек модели»ни ўрганиш учун юртимизга ташриф буюришмоқда.

Мамлакатимиз очик, эркин дунёвий давлат. Ҳаётининг юздан ортиқ мамлакатлари билан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда икки томонлама ало-

Олисларни

бирига айланди. Йигирма икки йил аввал, биз янги жамият ҳаётини йўлга қўйиш, бошқарув тизимини тубдан ислох қилиш, миллий истиклол гоёсини шакллантириш, ҳаётимизнинг барча соҳаларида демократик ислохотлар ўтказиш, таълим-тарбияни уйғунлигига эришиш, шу билан бирга, энди-энди тетапола бўлаётган мустақилликини сақлаб қолиш борасида ёрддамга муҳтож эдик. Бугун бу соҳаларда эришилган ва эришаётган ютуқларимиз дунё мамлакатлари, давлат ва жамоат арбобларини қизиқтириб турибди. «Ўзбекистон феномени», «Ўзбек модели»ни ўрганиш учун юртимизга ташриф буюришмоқда.

Мамлакатимиз очик, эркин дунёвий давлат. Ҳаётининг юздан ортиқ мамлакатлари билан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда икки томонлама ало-

## Замонавий технология асосида

**Бухоро шахридаги «SulSherJahon» хусусий корхонасида фермер хўжаликларидан қабул қилинаётган гўшт ва сут маҳсулотлари замонавий технология асосида қайта ишланмоқда.**

Олтмиш беш турда маҳсулот ишлаб чиқарилаётган корхонада 60 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда.

**Суратда: «SulSherJahon» хусусий корхонаси ишчилари (чапдан) Умрбек Нарзуллаев, Асилбек Бозоров ва Махлиб Бахшуллаева.**

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат



## Истиқлол шарофати

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида хунармандчилик билан шуғулланиб, эл-юрт дастурхонига фазл киритаётганлар кўпчилигини ташкил этади. — Мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесга кенг йўл очилганлиги тўғрисида айни пайтда ҳудудимизда бундай субъектлар сони 6 мингдан ошди, — дейди туман ҳокими Сайфулла Азизов. — Уларнинг 112 тасида саноат маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 500 дан ортиғи савдо ва умумий овқатланиш тармоқларига тааллуқли. 130 таси қурилиш ишлари билан машғул. Туман марказидаги Равот маҳалласи аҳолисининг 90 фоизи тадбиркорлик билан шуғулланади.

## Рўзғор баракаси

Биргина 2012 йилнинг ўзида етти юздан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият бошлади. 10 та корхонада техник ва технологик жиҳатдан қайта қуриш, модернизация ишлари олиб борилди.

— 2009 йил туманимизда 72 миллиард 379,8 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 120 миллиард 444,5 миллион сўмга етди, — дейди суҳбатдошимиз. — Айниқса, истеъмол моллари тайёрлаш 2009 йилдаги 31 миллиард 269,7 миллион сўмдан 2012 йилда 56 миллиард 875,1 миллион сўмга етди. Чакана савдо айланмаси 68 миллиард 971,1 миллион сўмдан 209 миллиард 379,6 миллион сўмга кўпайди. Саноқул Ҳамидов «Али бобо орзуси» корхонасини ташкил этиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Кейинчалик макарон ҳамда музқаймоқ цехи очди. Вилоятнинг бошқа



туманларидан келиб, маҳсулотларни харид қилишаётгани аса, сифатга берилаётган ўзига хос баҳоқдор. Шунинг учун ўтган олти ойда корхонада 170 миллион сўмлик нон, 22 миллион сўмлик макарон маҳсулотлари ва 30,6 миллион сўмлик музқаймоқ ишлаб чиқарилди. Ташаббускор тадбиркор, изланувчан инсон «Ипотекабанк»дан 150 миллион сўм кредит олиб, қурилган сут ишлаб чиқарадиган ускунани харид қилди. Яқин орада вилеятда биринчи

бўлиб, туманда сут қукуни тайёрлана бошлайди.

Ишбилармонликнинг турлари кўп. «Янгиобод» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Тошқулов ота-боболари касбини давом эттириб, тунукасолик билан шуғулланади. Ҳозир 20 турда маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

Мухтор Дилмуродов тайёрлаган парварда, новотларни маза қилиб, тановул қиласиз. Шоира опа Жалилова каби новотларнинг бозорни тўлдириб турган қаймоқли патирларидан ҳамма мамнун.

«Косон ёғ-экстракция» заводи очик ҳиссадорлик жамиятида ҳар йили 9026 тонна пахта ёғи, 15 тоннадан кунгабоқар ва соя, 56 тонна масхар ёғи тайёрланади. Завод ишлаб чиқариш қуввати қуввати бормоқда. Ўтган йили ишлаб чиқариш қуввати суткасига 70 тонна бўлган ёғ қадоқлаш линияси, 1,5 литр ҳажмдаги идишларнинг қунига 33 мингтадан ортигини қадоқлайдиган линия келтириб ўрнатилди.

Корхонада ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Туманининг Арабхона массивида 7,62 гектарлик интензив боғ яратилди. Корхонадаги иссиқхонада лимон, помидор, бодринг парваришланмоқда. Икки киши 55 та оила асарлари боқиб, 400-500 килограмм асал етиштирди ва ишчи-хизматчиларни таъминлаётир.

Ёрдамчи хўжаликка Полшадан 70 бош Голштейн зотли қорамоллар келтирилган эди. 35 зотдор ўқиз етиштирилиб, бошқа хўжаликларга сотилди. Ҳозир 108 бош сигир-бузоқ парваришланмоқда. Ёрдамчи хўжалик бошлиғи Сайфулла Ҳақбердиевнинг таъкидлашича, 27 бош сигирнинг ҳар бири қунига 40 литргача сут беради. Хар ойда 15 тоннагача серқаймоқ сут топирилади. Хўжаликда бир қунда 450-500 литр сутни қайта ишлайдиган цех фаолият кўрсатмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ

ро-жамият-давлат» ўртасидаги муносабатларнинг энг мақбул ҳуқуқий ечим топилди. Халқимиз ўтган йиллар давомида қандай ютуқларга эришган бўлса, одамларнинг дунёқарши, онг-шуури ва турмуш тарзи қандай ўзгаришлар юз берган бўлса, буларнинг ҳаммаси, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги бугунги обрў-эътибори, дунё давлатчилиги тараққиётига қўшаётган ҳиссаси, шубҳасиз, Конституцияда

**миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди»** (4-модда) деб ёзиб қўйилган. Бу — биз бунёд этаётган янги демократик жамият миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланишини, бундай жамиятда ҳар бир киши миллати, тили, диний эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинлик

ҳаётида юз бераётган воқеаларга муносабатиде, жамиятнинг янада тараққий этиши учун шахсий масъулиликни ҳис этишида яққол кўйга ташланади. Мустиқиллик йилларида ҳар қайси инсоннинг бахту саодати, келажаги, орзу-интилишлари ни мужассам эътибор оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилди. Оиланинг мустаҳкамлиги, болалар тарбиясининг тўғри йўлга қўйилиши жамият тараққиёти

лаш, орзу-умидларининг тўла рўёбга чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бундан бунён ҳам давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлади. Шу маънода Президентимизнинг тақлифига биноан, 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилишида жуда катта маъно бор. Инсон бў ёрғу оламда тўқ-фаровон яшашини, уйи тинч, болалари соғлом ўсишини, кўчат экса ниҳоллари мева туғишини,

# Кўзлаган қарвон

белгилаб қўйилган қонуний ва ҳуқуқий асосларга оғишмай амал қилаётганимиз натижасидир. Жаҳон мамлакатларида, мана, неча йилларки, молиявий танглик ҳужум суриб, иқтисодий катта зарар кўраётган, ривожланган давлатларда ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажми камаяётган, ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли даражада пасаяётган, бунинг оқибатида ишчи ўринлари қисқариб, аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги мажбуриятлар тўла бажарилаётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳолининг фаровонлиги йилдан-йилга ошаётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Президент Ислам Қаримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямизда: «**Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча**

ларга эга бўлишини аниқлатади. Бинобарин, истиқлолимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, миллатлараро тенглик ва тотувликка, бағрикенглик ва аҳвал-инокликка алоҳида эътибор берилди. Мамлакатимизда яшаб, умргузаронлик қилаётган турли миллат вакилларининг маданий-маърифий марказлари ташкил этилди, уларнинг фарзандлари учун она тилларини, миллий урф-одатларини сақлаш, миллий адабиёт ва санъат намуналаридан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. Давлатимиз раҳбарининг «**Шу азиз Ватан — барчамизнинг**» деган шiori кўпмиллатли халқимизнинг ҳар бири учун муқаддас туғғу, эзгу ният бўлиб қолди. Бу шior уларнинг бугунги турмуш тарзи ва дунёқарашда, мамлакатимиз ижтимоий-сисёсий, маданий-маърифий

билан бевоСИта боғлиқ экан, бу борада самарали ислохотларни амалга оширмай туриб, қутилган натижага эришиш кийин. Шундан келиб чиқиб, ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2012-2013 йилларда 15 йилга мўлжалланган 210 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Кишлоқларимизда аҳолига маъиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётган яқка тартибдаги тадбиркорларнинг уй йил мuddатга солиқлардан озод этилиши натижасида 40 миңга яқин ишчи ўринлари пайдо бўлди. Бундай мисолларнинг яна кўплаб келтириш мумкин.

Жамият ривожлангани сари одамларнинг турмуш тарзи ҳам муттасил ўзгариб боради. Бинобарин, халқимизнинг янада фаровон ҳаётини таъминлаш, орзу-умидларининг тўла рўёбга чиқиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бундан бунён ҳам давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлади. Шу маънода Президентимизнинг тақлифига биноан, 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилишида жуда катта маъно бор. Инсон бў ёрғу оламда тўқ-фаровон яшашини, уйи тинч, болалари соғлом ўсишини, кўчат экса ниҳоллари мева туғишини,

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### «AUTO TRADE COOPERATION» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 17 сентябр кuni соат 10:00да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси «Чирчик авиация таъмирлаш заводи» давлат корхонасига қарашли 1977 йилда и/ч, д/р 11 АҚ 434 «МАЗ-500А(Т3-7.5)» р-ли, бошланғич баҳоси 6 856 300 сўм, 1988 йилда и/ч, д/р 10 549 ЛАА «УАЗ-3303101» р-ли, бошланғич баҳоси 3 023 000 сўм, 1985 йилда и/ч, д/р 11 АЛ 918

«МАЗ-5335» р-ли, бошланғич баҳоси 4 633 400 сўм, 1988 йилда и/ч, д/р 11 АЛ 917 «КАМАЗ-54112 сполурицепом Одаз-9370» р-ли, бошланғич баҳоси 16 341 900 сўм, 1989 йилда и/ч, д/р 10 436 КАА «КРАЗ-250» р-ли, бошланғич баҳоси 7 179 300 сўм, 1990 йилда и/ч, д/р 10 450 КАА «УАЗ-39621» р-ли, бошланғич баҳоси 4 258 500 сўм, 1990 йилда и/ч, д/р 10 392 МАА «УАЗ-3151» р-ли, бошланғич баҳоси 4 208 600 сўм, 1985 йилда и/ч, д/р 10 548 ЛАА «ГАЗ-6615» р-ли, бошланғич баҳоси 10 314 500 сўм, 1985 йилда и/ч, д/р рақамсиз, «Трактор погрузочный УН-053 повторный гидравлический» Инвен номер 3699, бошланғич баҳоси 7 328 400 сўм, 1969 йилда и/ч, д/р рақамсиз, «Грузовой автоприцеп 2-ПН-4» инвен.номер 3536, бошланғич баҳоси 1 223 400 сўм, 1970 йилда и/ч, д/р рақамсиз, «Грузовой автоприцеп 2 ПН-4» инвен.номер 3538, бошланғич баҳоси 1 223 400 сўм, 1980 йилда и/ч, д/р рақамсиз, «Трактор Т-150 К» инвен.номер 3724, бошланғич баҳоси 5 879 900 сўм, 1973 йилда и/ч, д/р рақамсиз, «Прицеп ПЦ-6,7» инвен.номер 3554, бошланғич баҳоси 2 620 300 сўм, 1986 йилда и/ч, д/р рақамсиз, «Мотоцикл МВ-650М» инвен.номер 3713, бошланғич баҳоси 888 900 сўм бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйлади.

Автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда ўтказилади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин яъни 2013 йил 16 сентябр соат 10:00да тўхтатилади.

Маъжур автотранспорт воситалари сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 24 сентябр ва 8, 15, 22 октябр ҳамда ҳар ҳафтадан сешанба кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказилади. Аукцион савдоси солиби томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдориде комиссия ийғим туланади. Аукцион савдоси солиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (Игирма) иш кунини ичиде сотувчи билан автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги қелишудан»ни имзолагандан сўнг автотранспорт воситалари буйича 15 % (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Auto Trade Cooperation» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» банкидаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб-рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатида ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишоннома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Иштирок қилишчи хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинди. **Қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (+99895) 177-96-74, e.mail: avto\_tc@mail.ru. **Гувоҳнома № 005148**

## ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 16 сентябрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:  
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;  
- ушбу давлат активлари учун белгиланган қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;  
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;  
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа мuddатларда амалга ошириш (1 йил мuddатда).  
Савдоларда қатнашиш учун

тақдим этиладиган ҳужжатлар:  
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нарҳидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси;  
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.  
Савдо солиби савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичиде олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади.  
Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига

3-соат қолганда тўхтатилади. Музокаралар 2013 йил 16 сентябр кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2013 йилнинг 23, 30 сентябр ҳамда 7, 14, 21 октябр кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Муражаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

## Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва ишполаш майдони (кв.м.)	Объект манзили	Баланса савдоччи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқариш нархи	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш мuddатлари
1	ТТЗ ОАЖ тасарруфияла бўлган, «Ушг-суг» савдо дўкони	239,00	Мирзо Улугбек тумани, Аҳмад Юнусий маъноси, 33а-уй	ТТЗ ОАЖ	4.04.2008 №830	173 983 642,43	29 000 000	1 йил
2	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улугбек тумани, Улугбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институту	7.09.2009 №256	1 656 605 811,95	276 500 000	1 йил
3	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй	Электроника институту	7.09.2009 №256	1 042 420 915,74	174 000 000	1 йил
4	Ошқона биноси	534,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	454 427 818,20	76 000 000	1 йил
5	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	84 451 635,44	14 500 000	1 йил
6	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	7.09.2009 №256	33 892 931,86	6 000 000	1 йил
7	Ишлаб чиқариш биноси (юримизи турлашмаган бино)	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. Институту	7.09.2009 №256	3 499 609 262,00	1 050 000 000	3 йил
8	«Tayyorlov savdo» МЧЖ	28,91% давлат улуши	Олмазор тумани, М.Садиев кўчаси, 88-уй		12.08.2011 №233	1 486 370 095,00		

## Хизматлар лицензияланган

### «Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога «OZLITINEFTGAZ» ОАЖнинг 2013 йил 1 августдаги 73-сонли буйруғи ҳамда 2013 йил 2 августдаги №5/3264 сонли буйруғи билан асосан, «OZLITINEFTGAZ» ОАЖга тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шевченко кўчаси, 2-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:  
1. «УАЗ-31512-01» русумли, 1987 йилда и/ч, д/р 01/764 КАА бўлган а/в. Б/б — 2 569 200 сўм.  
2. «УАЗ-452» русумли, 1974 йилда и/ч, д/р 01/481 ЖВА бўлган а/в. Б/б — 1 999 800 сўм.  
3. «ГАЗ-5204» русумли, 1984 йилда и/ч, д/р 01/024 ЖВА бўлган а/в. Б/б — 1 489 600 сўм.  
**Савдо 2013 йил 16 сентябр кунлари соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 13 сентябр кунлари соат 18:00.  
Автотранспорт воситалари 2013 йил 16 сентябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 13 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.

иш 1, 16 октябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 1 октябрдаги такрорий савдолар учун 27 сентябр кунлари соат 18:00; 16 октябрдаги савдолар учун 14 октябр кунлари соат 18:00да тўхтатилади. Савдо солиби 10 иш кунини ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000500571452141; МФО: 01036; СТИР: 200933850; ОКОНХ: 83300. Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истикбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайти: www.fmm.uz. **Изоҳ: а/в — автотранспорт воситаси, д/р — давлат рақами, и/ч — ишлаб чиқарилган, б/б — бошланғич баҳоси.**

## Хизматлар лицензияланган

### «Surxondaryo mulk markazi» МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2011 йил 26 майддаги 153-сонли қарорига мувофиқ «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё филиалининг 03.06.2011 й 106-Н-сонли ва «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё филиалнинг Қизилқум тумани филиалининг 31.05.2013 23-сонли буйруғига асосан, «Микрокредитбанк» ОАТБ Сурхондарё филиал Қизилқум тумани филиали балансида Қизилқум, Қизилқум тумани «Сарик» шаҳарчаси «Рабатга» маҳалласида сақланаётган NEXIA-S 150 GLE русумли, д/р 75 787 ВАА, бўлган 2009 йил и/ч, таъмирталаб ҳолатдаги автомашина. Б/б 8 930 000 сўм.  
**Аукцион савдоси 2013 йил**

16 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 13 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2013 йил 23 сентябр кунлари соат 18:00.  
Юқоридаги мулк 2013 йил 16 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 23 сентябр ва 30 сентябр кунлари соат 1

